Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 28 НОЯБРЬ. ЖУМА №94 (5.864). Сотувда эркин нархда



Халқимизда ер ҳайдасанг куз ҳайда, деган нақл бор. Шу кунларда далаларда ерни обитобида шудгорлаш ишлари қизғин тус олган. Зафаробод тумани деҳқонлари ҳам шу долзарб ишни меъёрига етказишаяпти. Айниқса, тумандаги «Гулистон» ширкатлар уюшмаси миришкорлари шудгорлаш мавсумида пешқадамлик қилишмоқда. Бунда ер ҳайдаш техникаларининг ўз вақтида тайёрланганлиги асосий омил бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳайдов тракторлари далада. 2. Хўжалик раҳбари Зоҳид Омонов (чапдан) бош ҳосилот Олимжон Турдиев, механизатор Раҳмон Жабборовлар.

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**



*Меҳнат китоби ва сарҳисоби*

## БАҒДОДНИНГ ФИДОЙИ МИРИШКОРЛАРИ

— Бағдод тумани деҳқонларининг ишбилармон, тадбиркорлиги, зироатчиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллаб, илғор усулларини амалда дадил қўллай билганликлари ўз самарасини кўрсатди, — дейди туман ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов. — Бу йил 8960 гектар майдонга «Фарғона-3», «Тошкент-6» навли чигит эккан миришкорлар йиллик режани 22 ноябрда бажардилар. Мустақил давлатимиз хирмонига 26730 тонна оқ олтин топширилди. Ғалабага йиллик пахта сотиш режаларини барвақт ўринлатган «Бағдод», «Намуна», «Дўстлик», Қўқон таянч пункти, «Мирзаобод», «Пахтакор», Усмон Хўжаев номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг аъзолари салмоқли ҳисса қўшдилар. Унлаб бригадалар ҳосилдорликни 40 центнердан оширдилар. Плёнка остига чигит экилган 1410 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан пахта топширилди. Туманда давлатга ғалла, пилла, сабзавот сотиш режалари ошириб бажарилган.

Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда. Пахтакорлар йил давомида ҳалол меҳнат қилдилар. Ғўзага агротехника муддатларида сифатли ишлов берилди. Аммо ёзда деҳқончилик осон кечмади, парвариш жараёнида ҳаво ҳарорати тўсатдан кўтарилиб, экинларнинг сувга талаби ортди, авжи ҳосилга-ҳосил қўшиш даврида Катта Фарғона каналида сув бўлмади, оби-ҳаёт тақчиллиги тумандаги 4000 гектар ғўза ҳосилига зарар етказди. Ўша даврда бой берилган ҳосилнинг ўрнини қоплаш учун деҳқонлар фидокорона меҳнат қилдилар. Айниқса давлатимизнинг пахтанинг харид нархларини оширгани, теримчиларга тўланадиган ҳақни кўпайтиргани халқни ғоятда руҳлантирди. Мавсумда туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташкилотчилик ва тадбиркорлик билан иш юритиб юксак сафарбарликни таъминлади. Пахтакорлик шони-шарафини қадрлаган 11900 киши йиғим-теримда фаол қатнашди, уларнинг иш ҳақлари вақтида бериб турилди. Худога шукрки, бағдодликлар уялиб қолмади, режалар дудирилди.

Ҳозирги об-ҳавонинг илиқ дамларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётган деҳқонлар, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари кузги шудгорлашга, ариқ-зовурларни тозалашга, шўр ювиш ва яхоб беришга бутун куч, имкониятни сафарбар этмоқдалар. 8160 гектар майдонни кузги шудгорлаш, 3560 гектар майдонни ғўзапоядан тозалаш, 739 километр ариқ-зовурларни қазиш, 124 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрлаш режалаштирилган. Шокиржон Солижонов раҳбарлик қилаётган туман машина-трактор парки механизаторлари 70 та ҳайдов тракторини, 81 та карчевалкани далага олиб чиқишган. Ҳар куни 350-360 гектар майдон кузги шудгорланмоқда. Хўжаликларда маҳаллий гўнг сепадиган «РОУ-6» русумли 15 та агрегат, минерал ўғит сепадиган 31 та трактор, ўнта гуруҳ «погрузчик»лар тўла қувватда ишлатилмоқда. Тракторчилар Собиржон Мамадалиев, Мирзоҳид Маҳкамов, Қаюмжон Аҳмадалиев бошқараётган 3 та «Магнум» трактори юксак унумда ишлатилмоқда, уларнинг ҳар бири кунига 20 гектардан шудгор қилаётир. Туман хўжаликларида сўнгги ўн кунда 3500 гектар ер кузги шудгорланди. 18600 тонна маҳаллий ўғит, 1700 тонна гўнг компости тайёрланди. Ариқ-зовурларни тозалашга қўйилган 14 та экскаватордан 11 таси ишлатилмоқда. 314000 кубометр тупроқ қазиш ишларини бажаришга аҳдлашган. Келаси йил ҳосили учун 8600 гектар майдоннинг шўрини ювиш, 6000 гектар ерга нам сув-яхоб бериш режалаштирилган. Айни пайтда бу ишларни бажаришга 28 та пол олгич, 22 та пол ясаш мослама тракторлари сафарбар қилинди. Шудгорлаш, шўр ювиш ишлари «Бағдод», «Намуна», Усмон Хўжаев номли, «Мирзаобод», «Пахтакор» жамоа хўжаликларида жадал олиб борилмоқда.

Далада ишлатилаётган барча тракторлар, қишлоқ хўжалик механизмлари учун техник хизматни туман МТП мутахассислари кўрсатишмоқда. Бош муҳандис Абдуазиз Кенжаев раҳбарлигида 4 та «Автопоезд» ташкил этилган. Уларда техник хизмати кўрсатувчи электрчилар, пайвандчилар, созловчилар, механиклар, рация орқали талаб қилинган жойга шошилинч равишда етиб боришяпти, носоз техникага далада хизмат кўрсатишяпти. МТПда қайта тиклаш цехи ҳам кеча-кундуз ишлаб турибди, эскирган, ишдан чиққан қисмлар таъмирланиб, тузатиб берилмоқда. Бу ишда Ойбек Турсунов бошлиқ созловчилар ибрат кўрсатишмоқда.

Мавсумда трактор плугларига лемих ясаш учун темир топиш муаммо бўлиб қолди. Бош муҳандис А. Кенжаев ташаббуси билан металломга чиқарилган эски тагликдан лемих ясаш йўлга қўйилди. Бу металл жуда қаттиқ ва чидамли бўлиб, бир мавсумда плуг лемихларини икки маротаба алмаштирса кифоя бўлади. Мазкур тажрибани республиканинг ҳамма МТПларида қўлланса фойдалидир. Бағдодлик механизаторлар «Магнум» ва бошқа тракторларнинг плугларига «передплужник» (кичик омочча) қўйиб кузги шудгор қилмоқдалар. Плуг олди омочи ернинг унумдор тупроғини ўсимлик илдизи қадаладиган жойга ағдариб қўйиб кетади, бегона ўтларни тозалайди, шудгор эса сифатли бўлади. Кузги-қишки ишларни бажараётган механизаторларга далада бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Мавсум олдидан икки минг сўмдан пул берилмоқда. Шудгорлашни биринчи тугаллаган бригада, механикларга мукофотлар бор.

Бу йил туман хўжаликларида 6850 гектар майдонга «Скифянка» навли кузги буғдой экилди. Ғаллакорлар 1998 йилда 31100 тонна бошоқли дон етиштириш учун курашмоқдалар. Яшил майсалар биринчи ўғитлаш ва суғоришдан чиқарилди. Буғдойзорларни чорва молларига пайҳон қилдирмаслик учун бригадаларда дала қўриқчилари ҳушёр турибди.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

МУХБИРЛАР СИМ ОРҚАЛИ ХАБАР ҚИЛИШДИ

## МЕЛИОРАЦИЯГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Фарғона вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси биносида Ўзбекистон Республикаси гидрогеология ва мелиорация хизматининг 30 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва Ўрта Осиё республикалари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларининг масъул ходимлари, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, гидрогеология, мелиорация экспедициялари бошлиқлари, олимлар, мутахассислар, меҳнат фахрийлари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мелиорация бошқармасининг бош муҳандиси А. Н. Яшин, жанубий Қозоғистон гидрогеология-мелиорация экспедициясининг бошлиғи Д. Жумадилов, Хоразм вилояти гидрогеология-мелиорация экспедициясининг бошлиғи Қ. Ҳалимбетов, Қорақалпоғистон Республикаси гидрогеология-мелиорация экспедицияси бошлиғи Ҳ. Утепберганов, Фарғона вилояти мелиорация бошқармасининг меҳнат фахрийси А. Рустамов, Ўрта Осиё илмий-текшириш ирригация институти тупроқшунослик лабораторияси бошлиғи Ю. И. Широковалар сўзга чиқдилар.

Конференция қатнашчилари Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, теннис кортини бориб кўрдилар. Тошлоқ туманидаги ёпиқ кўмма зовурлар тизими, Каркидон сув омбори, Қува туман гидрогеология-мелиорация экспедицияси, Марказий Фарғона ерларини мелиорациялаш ишлари билан танишдилар.

## ЭЛЛИКҚАЛЪАДА ТАНТАНА

Элликқалъа туманида Элликқалъа массиви ўзлаштира бошланганлигининг 25 йиллиги, туман ташкил топганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир яқинда фойдаланишга топширилган мусиқа мактабида бўлди.

Йиғилишда қўриқни ўзлаштиришда фаол иштирок этган ветеранлар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган илғорлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси ва қўшни вилоятлардан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Массивни ўзлаштиришда фаол иштирок этган меҳнат илғорларининг бир гуруҳига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси Раиси Т.Камолов фахрий унвон ва ёрлиқларни топширди.

**Ҳ.КАРИМОВ, Я.ҚЎЧҚОРОВ.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

*МАДРИД. Маълумки, шу кунларда Европа Иттифоқининг (ЕИ) кенгайиши ҳақида турли хил фикрлар билдирилмоқда. Шу хусусда Италия бош вазири Романо Проди «Жанубий Европа мамлакатларининг ЕИга қўшилиши, унга аъзо бўлган Марказий ва Шарқий Европа давлатларига зарар келтирмаслиги керак», — деб баёнот берди. Шунингдек, Испания ташқи ишлар вазири Абел Матутес ҳам Мадрид Европа Иттифоқининг кенгайишига қарши эканлигини айтиб ўтди.*

*Декабр ойи ўрталарида Европа Иттифоқининг Люксембургда бўлиб ўтадиган мажлисида айнан шу масала муҳокама қилинади.*

* * *

*ВАШИНГТОН. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт декабр ойида Африка бўйлаб сафарга чиқади. Сафардан кўзланган асосий мақсад Африканинг етакчи мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантиришдир.*

*АҚШ давлат департаменти расмий вакили Жеймс Фаулининг маълум қилишича, бу сафар 8-15 декабр кунлари амалга оширилади. Мадлен Олбрайт Эфиопия, Уганда, Руанда, Конго Демократик Республикаси, Жанубий Африка Республикаси ва Зимбабведа бўлади.*

* * *

*ОТТАВА. Канаданинг Ванкувер шаҳрида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви ўз ниҳоясига етди. Учрашувда ўзаро интеграцияни ривожлантириш, турли дунёвий муаммолар ва кўпгина бошқа масалалар қаторида Россия, Ветнам ва Перу давлатларини ташкилот сафига қабул қилиш масаласи ҳам кўрилди. Келишувга биноан, мазкур уч давлат Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.*

* * *

*ТЕЛ-АВИВ. Тарихда Исроил ва Иордания ҳамкорлигида биринчи марта Қизил денгизда қўшма ҳарбий машқлар ўтказилди.*

*Мазкур тадбир Исроилнинг Эйлат ва Иорданиянинг Акаба портларида бўлиб ўтди. Унда денгизда ҳалокатга учраганларни топиш ва қутқариш операциялари машқ қилинди.*

**(ЎзА)**

*8 декабрь—Конституция куни*

## ЗАФАРЛАРИМИЗ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мамлакатимиз асосий қонуни қабул қилинганлигининг беш йиллигига бағишланган «Республика Конституцияси — ютуқларимиз гарови» мавзуида давра суҳбати бўлди. Унда таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсатчи олимлар, амалиёт ходимлари ва академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, академия ректори А. Азизхўжаев очди.

Президент девонининг қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров, Республика конституциявий судининг раиси Б. Эшонов, Олий суд раисининг ўринбосари Ҳ. Усмонов, Бош прокурор ўринбосари вазифасини бажарувчи Б. Пўлатов, Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири А. Тўлаганов, академия тингловчилари Н. Вафоқулова, Ш. Умарова ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, Конституциямизнинг сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамияти ҳақида гапирдилар. Ҳужжатда халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, шунингдек ижтимоий муносабатлар аниқ белгилаб қўйилган. Унда халқимизнинг бой тарихи, миллий маданияти ва қадриятлари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда жуда катта ўзгаришлар юз берди. Инсон ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Конституциямиз жамиятда тинчлик ва осойишталикни, барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

**(ЎзА).**

## ЕР ҲОСИЛДОРЛИГИ ОРТАДИ

**Умумий узунлиги 120 километрли коллекторда қазиш ишлари поёнига етди. Тўрткўл туманидан бошланадиган Қорақалпоғистонда энг йирик бу коллектор орқали сизот сувлар Орол денгизига қуйилади. Айни пайтда «Жанубийсувқурилиш» бошқармасининг тўртта махсус қурилиш участкаси коллектор учун зарур иншоотларни бунёд этишга киришди. Коллектор ўлканинг жанубий туманларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосил етиштиришни кўпайтириш имконини беради.**

**А. ИСКАНДАРОВ**

## МАҲСУЛОТ ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР

*Бозор муаммолари*

Наманган вилояти хонадонларида боқилаётган қорамоллар сони энг юқори даражага чиқди, яъни 250 минг бошга етди. Бу жамоа хўжаликларининг чорвачилик фермаларидаги қорамоллардан деярли тўрт баравар кўп. Яқин-яқинда ҳам бу кўрсаткичлар орасида деярли тафовут йўқ эди. Лекин «Намангангўштсутсаноат» вилоят акциядорлик компаниясининг тайёрлаш пунктларига ҳозир ҳам фақат жамоа хўжаликлари гўшт топширмоқда. Аҳолини ва махсус истеъмолчилар деб аталадиган болалар боғчалари, шифохоналар ва интернатларни гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган бу компаниянинг тайёрлаш пунктларига хусусий молларнинг эгалари унча шошилмаяпти. Бунинг сабаби «олди-сотти»ни расмийлаштириш чоғидаги қоғозбозликдир. Бу компаниянинг тайёрлаш пунктига гўшт учун қорамолни топширмоқчи бўлган деҳқон еттита ҳужжатни — мол эгаси билан компания ўртасида тузиладиган шартнома, мол эгасининг истиқомат жойидаги маҳалла қўмитаси маълумотномаси, тегишли банк пул-кредит комиссиясининг рухсатномаси ва бошқа ҳужжатларнинг бир қисми банкда расмийлаштирилади. Мол сотувчи ўзига тегишли пулни шу банк бўлимларининг биридан олади. Банкдан олинадиган пул миқдори кўп бўлганлиги сабабли банк муассасасига пул тушишига қараб тўланади. Гўштга топширилган битта қорамолнинг пулини олиш учун уч-тўрт кун ва ундан ҳам кўпроқ вақт кетади. Шундай экан, тайёрлаш пунктига мол топширишни хоҳлайдиганлар камлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

— Гўштга мол топширгандагина эмас, тайёрлаш пунктига сут топширганда ҳам ҳужжатларни расмийлаштиришнинг шундай тартиби мавжуд, — дейди «Намангангўштсутсаноат» вилоят акциядорлик компаниясининг раиси Айюбхон Собиров. — Шу сабабли мижозларимиз ҳали ҳам кам. Одамлар ўзларига қарашли мол ва сутни компаниямиз каби ташкилотга сотиш тартибини соддалаштирадиган пайт келди. Шундай қилинса, тез бузиладиган бу маҳсулотларни сақлаш, сотиш чоғида санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслик оқибатида баъзан сифати бузилган гўшт ва сутнинг истеъмолчиларга етиб бориши камаяди. Мол ва сутни сотиш — сотиб олишни расмийлаштиришдаги ҳозир мавжуд бўлган тўсиқлар олиб ташланса, вилоятда етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулотлари янада кўпайишига шубҳа йўқ.

Ҳозирча эса «Намангангўштсутсаноат» кўрсаткичлари қувончли эмас. Компаниянинг бўлинмалари йил бошидан буён 2300 тоннадан сал кўпроқ гўштни қайта ишлади. Йил бошида тузилган шартномага мувофиқ шу вақтгача 5500 тонна гўшт қайта ишланиши лозим эди. Қайта ишлашга тушган гўштдан атиги 100 тоннаси хусусий мол эгалари томонидан топширилган. Компаниянинг бўлинмаларига сут топширишда ҳам аҳвол худди шундай. Кўплаб хонадонларда сигир боқилаётганига қарамай компанияга камдан-кам кишилар сут топширмоқда. Бу соҳада барча имкониятларни ишга солиш, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун вилоят компанияси ва бошқа манфаатдор маҳкамаларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари талаб қилинади.

**Н. ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.**

